

---

## Оммавий ахборот воситалари вакиллари Қорақум маҳалласида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

“Обод ҳонадон”, “обод кўча”, “обод маҳалла” мезонлари асосида Қува туманидаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинида бугун кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятимиздаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида мазкур маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ташриф бурилди.

Ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан бир қаторда ҳудуддаги аҳолининг кайфитини кўтариш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ўтказилаётган маънавий маърифий тадбирлар, спорт мусобоқалари ва турли хил кўрик танловлар билан танишдилар.

2023-12-04 19:45:14